Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 58 (8048). ● 29 март, 1983 йил ● СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ТАШАББУСКОР ПИЛЛАКОРЛАР САФИГА ҚЎШИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ПАРТИЯ XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларидан руҳланган область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган йили ипак қурти боқишни уюшқоқлик билан ўтказиб, мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга пилла сотиш социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажардилар, қимматли хом ашё сифатини яхшилашга эришдилар.

Область пиллакорлари 1983 йилда социалистик мусобақани кенг авж олдириб давлатга 2080 тонна пилла сотишга, хом ашё сифатини яхшилашга ва ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажаришга қарор қилдилар.

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозидан Эргашев Турсунбой, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Шаропов Ўрин, Бўка районидаги Жамбул номли колхоздан Хаминжаев Итолмас, Коммунистик районидаги «Правда» колхозидан Цой Любовь, Оржоникидзе районидан Ленин номли колхоздан Назарова Ҳалима, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Исмоилова Тожихон, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Отажонова Қундуз, Паркент районидаги «Паркент» совхоз-заводидан Жажиева Ўғиллар бошлиқ илғор бригада ва звеноларнинг коллективлари қимматли ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. 1983 йилда бригада коллективлари ҳар қути қурт уруғидан 110—115 килограммдан, звено коллективлари эса 120—160 килограммдан пилла олиб, ўн биринчи беш йиллик планини 3—4 йилда бажариш мажбуриятини қабул қилдилар.

Областнинг илғор пиллакорлари юксак мажбуриятларини мавжуд барча меҳнат, моддий-техника ресурсларидан яхши пилла етиштиришни кўпайтириш ва хом ашё сифатини яхшилаш йўлида самарали фойдаланиш билан мустаҳкамлайдилар.

Область партия комитети ҳар қути қурт уруғидан бригадаларда 110—115 килограммдан, звеноларда 120—160 килограммдан пилла олиш ва ўн биринчи беш йиллик планини 3—4 йилда бажариш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш юзасидан Т. Эргашев, Ў. Шаропов, И. Хаминжаев, Л. Цой, Ҳ. Назарова, Т. Исмоилова, Қ. Отажонова, Ў. Жажиевалар бошлаган ташаббусни маъқуллади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмаси, область пиллачилик бошқармаси, РАПО, колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

ушбу қимматли ташаббусни бригада, участка ва хўжалик коллективлари ўртасида муҳокама этиш, ҳар бир пиллакор, звено, бригада ва хўжалик коллективининг қабул қилган мажбуриятини сўзсиз бажаришига қаратилган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб амалга ошириш. Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида 1983 йилда мўл пилла ҳосили олиш ва ўн биринчи беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдириш юзасидан ташкилий ишларни кучайтириш;

ташаббускорларга ва улар бошлаб берган ҳаракатга қўшилган барча пиллакорларга социалистик мажбуриятларини бажаришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш. Ишлаб чиқариш-молия планларида социалистик мусобақа голибларини моддий рағбатлантириш учун маблағ ажратишни кўзда тутиш.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига 1983 йилда пилладан мўл ҳосил олиш, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўтказиладиган социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш топширилди.

ЭРГАШЕВ Турсунбой
Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг пиллачилик бригадаси бошлиғи:

— БРИГАДАМИЗ ўтган йили яхши натижаларга эришди. Пилла етиштириш плани 123 процент бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан 102,5 килограммдан сифатли пилла ўғиштириб олинди. Сортли пилла эса 82 процентни ташкил этди.

Коллективимиз беш йиллигининг учинчи йили учун янада юксак мажбуриятларини ҳисоблаб кўриб ҳар қути қурт уруғидан камида 115 килограммдан хом ашё олишга қарор қилдик. Шунда давлатга жами 9775 килограмм пилла топширилиб, йиллик план 130,4 процент бажарилади. Бундай суръат беш йиллик планни тўрт йилда бажариш имконини беради.

ШАРОПОВ Ўрин,
Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг пиллачилик бригадаси бошлиғи:

— ЮБИЛЕЙ йилида пилла етиштириш планини 167,1 процент бажардик. 117 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 92 килограммдан пилла олиб, унинг 84 процентини юқори сортларга топширдик.

Бригадамиз аъзолари бу йил давлатга 12 минг килограмм сифатли хом ашё топширишга қарор қилдилар. 120 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 100 килограммдан пилла олиб, 1983 йил планини 171,4 процент қилиб бажарамиз. Хом ашёнинг 90 процентини юқори сортларга топшириб, беш йиллик планни уч йилда бажарамиз.

ХАМИНЖАЕВ Итолмас,
Бўка районидаги Жамбул номли колхоз бригада бошлиғи:

— КОЛЛЕКТИВИМИЗ ўтган йили яхши кўрсаткичларга эришди. 85 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 110 килограммдан пилла олиб, йиллик планни 155 процент бажардик. Сортли пилла 83,5 процентни ташкил этди.

1983 йил учун юксак мажбуриятлар қабул қилдик. Жами 98 қути қурт уруғи парвариш қиламиз. Унинг ҳар қутисидан 111 килограммдан пилла олиб йиллик планни 180,2 процент бажарамиз. Шунингдек, ўн биринчи беш йиллик топшириғини уч йилда бажаришни таъминлаш учун бу йил давлатга камида 10878 килограмм «кумуш тола» топширамиз.

ЦОЙ Любовь,
Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг звено бошлиғи:

— ЎТГАН ЙИЛИ хўжалигимизда энг юқори кўрсаткичга эришдим. 2,35 қути қурт уруғи парвариш қилиб, унинг ҳар қутисидан 124 килограммдан пилла олдим. Бу юксак натижа йиллик топшириқни 168 процент бажариш имконини берди.

Ўз имкониятларимни ва кўп йиллик тажрибамни ҳисобга олиб 1983 йил учун янада юксак социалистик мажбурият қабул қилдим. Бу йил 3 қути қурт уруғи парвариш қиламан. Давлатга камида 390 килограмм сифатли хом ашё топшириб 1983 йил планини 200 процент бажараман. Ўн биринчи беш йилликни эса уч йилда бажаришга қатъий қарор қилдим.

НАЗАРОВА Ҳалима,
Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозининг звено бошлиғи:

— 4 қути қурт уруғини парвариш қилиб давлатга 480 килограмм пилла топширдим. Бу хўжалигимизда энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлди. Қабул пунктига топширган сортли пиллам 90 процентдан ошди.

Ўтган йиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, беш йиллик шахсий планимни уч йилда бажаришим мумкин. Бунинг учун янги мавсумда яна 4 қути қурт уруғи боқиб, уларнинг ҳар қутисидан камида 122 килограммдан пилла олишни мўлжаллаяпман. Ана шунда йиллик планни 174 процент қилиб бажарган бўламан. Бундан ташқари камида 93 процент пиллани юқори сортларга топширамаи.

ИСМОИЛОВА Тожихон,
Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг звено бошлиғи:

— ЮБИЛЕЙ йили планлари тиғиз бўлишига қарамай, уни 149 процент қилиб бажардим. 1,5 қути қурт уруғини парвариш қилиб давлатга 180 килограмм хом ашё топширдим. Шу жумладан сортли пилла 92 процентни ташкил этди.

Бу йил икки қути қурт уруғи парвариш қилмоқчиман. Давлатга камида 250 килограмм юқори сортли хом ашё топширишга сўз бердим. Бу йиллик планга нисбатан 208,3 процентни ташкил этади. Бундай юксак суръат беш йиллик шахсий топшириғимни уч йилда бажариш имконини беради.

ОТАЖОНОВА Қундуз,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг звено бошлиғи:

— ИПАК ҚУРТИ боқаётганимга 30 йилдан ошди. Бу орада бой тажриба орттирдим. Шунинг учун ҳам ҳамкасбларим орасида ташкил этилган мусобақада йил сайин пешқадамлик қиляпман. Жумладан, ўтган йили икки қути қурт уруғи парвариш қилиб давлатга 236 килограмм сифатли хом ашё топширдим. Шундан сортли пилла 94,3 процентни ташкил этди.

Беш йилликнинг учинчи йили учун янада юксак мажбурият олдим. Давлатга камида 250 килограмм пилла топшираман. Шундай йўл билан йиллик планимни 208,3 процент, беш йиллик топшириқни эса уч йилда бажараман.

ЖАЖИЕВА Ўғил,
Паркент районидаги «Паркент» совхоз-заводининг звено бошлиғи:

— ЎТГАН ИИЛГИ меҳнатим самарали бўлди. Йиллик шахсий планимни 235 процент қилиб бажардим. Фаолиятимда биринчи марта ҳар қути қурт уруғидан 150,5 килограммдан пилла олдим. Сифатли парвариш қилганим учун сортли пилла 86 процентга етди.

Бу йилги режаларим янада юксак. Кўп йиллик тажрибамни ишга солиб, ҳар қути қурт уруғидан 160 килограммдан пилла оламан. Давлатга 320 килограмм хом ашё топшириб йиллик планни 235 процент, беш йиллик топшириқни эса уч йилда адо этаман.

Ю. В. АНДРОПОВнинг

«Правда» мухбири саволларига жавоблари

Савол. 23 март куни президент Рейган АҚШ ҳарбий сиёсати масалаларига доир узундан узоқ нутқ сўзлади. Сиз бу нутққа қандай баҳо берасиз?

Жавоб. Кейинги вақтларда Вашингтондан бир нарсага — ҳарбий тайёргарликларга, ҳарбий программаларга, қуролларнинг янги турларини яратишга бағишланган нутқлар оқими сира тўхтовсиз оқиб чиқмоқда. Президент бу сафар ҳам худди шу ҳақда гапирди.

Президентнинг эслатиб ўтилган нутқи афтидан Қўшма Штатларда одамларнинг ўй-фикри ва кайфиятларига таъсир ўтказишга, у ерда маъмуриятнинг урушқоқлик йўли муносабати билан ортиб бораётган ташвишни ёстиришга уриниб кўриш учун сўзланган бўлса керак. Президент айтган гапларга америкаликларнинг ўзлари қандай баҳо беришлари уларнинг иши, албатта.

Аммо президентнинг айтган гаплари америкаликларгагина тааллуқли эмас. Чунки нутқнинг бутун моҳияти Америка эўр бериб қуролланиши, дунёда ҳарбий жиҳатдан устун давлат бўлиб қолиши керак, деган фикрдан иборатдир. Бунда ана шу гегемончилик даъволарини асослашга интилиб Совет Иттифоқи сиёсатини шу қадар ҳаёсизларча бузиб кўрсатишга йўл қўйилмоқда, шу қадар нопок усуллар қўлланилмоқдаки, очиғини айтганда, бошқа давлатлар билан иш юритиш стандартлари тўғрисида президентнинг тасаввурлари қандай экан, деган савол туғилади.

Президентнинг гапига қулоқ солсангиз, гўё АҚШ ҳамма жойда, ҳатто ўз биқинига яқин жойда ҳам Совет Иттифоқидан заифроқ эмиш. Буларнинг ҳаммасига СССР кейинги йигирма йил мобайнида гўё ўзининг қуролли кучларини жадал суръатлар билан кўпайтирганлиги, Қўшма Штатлар эса гўё қўл қовуштириб ўтириб, унинг қуролли кучлари тушкунликка учраганлиги сабаб бўлган эмиш.

Дарҳақиқат, СССР ўзининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлади. Совет территорияси яқинида ҳарбий базаларни жойлаштириш, ядро қуроли ва бошқа қуролларнинг тобора янги турларини яратиш, борасида АҚШ жон-жаҳди билан иш кўрганлиги сабабли, Американинг ҳарбий устунлигини тугатиш учун СССР шундай қилишга мажбур бўлган эди. Вашингтондагилар ана шу ҳарбий устунликни ҳозир жуда қўмсаб қолдилар. Эришилган ҳарбий-стратегик мувозанат АҚШни бизга нисбатан ядро таҳдиди билан шантаж қилиш имкониятидан маҳрум этди. Бу мувозанат — тинчликнинг ишончли гарантияси бўлиб, уни сақлаб қолиш учун биз ҳамма ишни қиламиз.

Гўё Қўшма Штатлар кейинги йигирма йил ичида ҳеч нарса қилмай, қўл қовуштириб ўтирди, деган даъволарга келганда шуни айтиш керакки, бунга фақат гўл кишиларгина ишонишлари мумкин. Буни тасдиқлаш учун баъзи энг муҳим фактларга мурожаат этамиз.

Маълумки, айни шу давр мобайнида Америка стратегик кучларида кескин сифат ўзгаришлари рўй берди. АҚШ ўзининг баллистик ракеталарида ажраладиган нишонлари қисмларининг ўрнатилган ҳужжатларига назар ташлашга уриниб кўрганида эди, у иш айни шундай бўлганлигига осонгина ишонч ҳосил қилган бўлур эди.

Натижада нима бўлганлигини лоақал шундай бир мисол яққол кўрсатиб турибдики, ана шундай қайта қуролланишдан кейин Америка сув ости кемасидаги битта ракета бир йўла 14 та нишонни йўқ қила оладиган бўлиб қолди. Ҳар бир сув ости кемасида эса 16 та ана шундай ракета бор. Уларнинг жами қуввати Хиросимага ташланган атом бомбаларига ўхшаш қариб беш юзта бомбанинг қуввати тенгдир.

Умуман, АҚШ гўё ҳеч қандай иш кўргани йўқ, деб президент сафсатабозлик қилаётган даврда АҚШ стратегик қуролларидаги ядро зарядлари сони 10 мингтадан ошиб кетди, ҳолбуки илгари бундай ядро зарядлари 4 мингта эди. Хўш, ядро аслаҳахоналарининг икки ярим баравар кўпайтирилганлигини ҳеч қандай иш кўрилмади, деб айтиш мумкинми? Бўни асло ҳеч қандай иш кўрилмади, деб бўлмайди.

Энди Европа тўғрисида гапирайлик. Оқ уй бошлиғининг сўзларига кўра, Европада АҚШнинг ва умуман НАТОнинг аҳволи гўё жуда огир эмиш. Аммо яна фактларга мурожаат қилинадиган бўлса, худди ўша давр мобайнида биргина Америка ядро, қурол-аслаҳаларининг-гина умумий сони бу ерда уч баравар кўпайганлигига ва ҳозир 7 мингтадан ошиб кетганлигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Хўш, бу нима, бу ҳам ҳеч қандай иш кўрмаслик натижасими?

Президент ўзини шундай тутмоқдаки, гўё Европа зонасида АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг ўртача олисликка учириладиган салкам мингта ядро воситалари мавжуд эмасдек, гўё унга НАТОнинг ана шу воситаларидаги ядро зарядларининг жами миқдори СССРга нисбатан бир ярим баравар устунликка эга эканлиги маълум эмасдек.

Президент мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида лом-мим демаётганлигидан ташқари, у Совет Иттифоқи ўртача олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирмай туриш тўғрисида ўзи бир томонлама тартибда эълон қилган мажбуриятига амал қилмаяпти, деб даъво қилиб, гирт ёлғон гапни айтмоқда.

У Американинг ўртача олисликка учириладиган қурол-яроғлари бирон-бир бошқа жойда эмас, балки деярли бизнинг бўсағамизда турганлиги тўғрисида ҳам чурқ этмаяпти. Ҳолбуки, шу нуқтаи назардан биз учун ана шу қуроллар билан АҚШ территориясида жойлашган стратегик қуроллар ўртасида фарқ йўқ. Бу эса фақат Европагагина тааллуқли эмас. СССРнинг бутун периметри бўйлаб Американинг неча юзлаб учирувчи ракеталари жамланган бўлиб, улар бизнинг территориямизга ядровий зарба бера олади. Пентагоннинг расмий равишда эълон қилинган режаларига кўра эса, бундай ракеталарнинг сони кўп баравар оширилиши керак. Олисга учириладиган қанотли ракеталарнинг ўзидангина 12 мингтадан кўпроғини жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

Президент Лотин Америкасидаги мамлакатлардан бирида жойлашган граждан аэропортининг фотосуратини намойиш этиб, буни ҳам АҚШга таҳдид, деб кўрсатишгача бориб етди. Лекин Қўшма Штатлардан минглаб миль наридаги юзлаб учиш-қўниш полосаларининг фотосуратларини кўрсатмади. Ҳолбуки, бу полосаларда ичида ядро қуроли бўлган, исталган пайтда парвоз қилишга тайёр Америка самолётлари турибди.

Маълум бўлишича, шуларнинг ҳаммаси АҚШдаги ҳозирги маъмурият учун оз эмиш. Ерда, сувда, ҳавода, космосда янада кўпроқ қуролга эга бўлиш учун триллион-триллион долларлар ажратилмоқда. Ҳамма турдаги ядро қуролларини ғоят кўпайтириш мўлжалланган. Президент одатдаги қуроллар-нинг сифат жиҳатидан янги системаларини яратиш борасида кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилишини ҳам эълон қилди. Бу билан қуролланиш пойгасида яна бир йўналиш очилади.

Бу ишларнинг ҳаммаси «совет ҳарбий хавфига» жавобан қилинаяпти, деган кўнгилга тегадиган вайсақиликлар қанчайин такрорланмасин, улар ҳеч кимни чалғита олмаслиги керак. Совет Иттифоқи нималар қилиб келган ва қилаётган бўлса, шуларнинг ҳаммаси уйинг ҳарбий жиҳатдан устунликка эришишга интилаётганлигидан ҳеч бир далолат бе-ролмайди. Америка томони билан биз тузмоқчи бўлган ва тузишга тайёр турган шартномалар ва битимлар мувозанатни бузмаган ҳолда, яъни СССРнинг ҳам, АҚШнинг ҳам хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда ядровий қарама-қаршилик даражасини пасайтиришга қаратилган.

Айни шу мақсадни аниқ-равшан қайд этган СҚЧ-2 шартномасини жарга қулатганларнинг эндиликда сулҳпарвар бўлиб кўринишга уринишни муносиб эмас. Улар Европада Совет Иттифоқи ва НАТО блокида баравар миқдорда ракеталар, баравар миқдорда самолётлар бўлсин ёки у ерда ўртача олисликка учириладиганми, тактикми, умуман ҳеч қандай ядро қуроли бўлмасин, деган таклифларимизни рад этиб туриб ҳам СССРнинг устунликка эришиш иштиёқида эканлиги тўғрисида гапирияпти-я. Вашингтоннинг ҳозирги раҳбарлари СССР сиёсатини қоралаш учун қўлланётган усуллар — давлатлар ўртасидаги муносабатларда йўл қўйиб бўлмайдиган усуллардир.

Савол. Президент Рейган аллақандай янги мудофаа концепциясини ихтиро этдим, деган гапларни айтди. Бу амалда нимани билдиради?

Жавоб. Бу гапга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Президент Рейган «Советлар ҳарбий хавфи» тўғрисида обдон сафсатабозлик қилиб бўлгач, АҚШнинг стратегик манфаатларини таъминлаш масаласига бошқача ёндашадиган пайт аллақачон етди, деган мазмунда гапирди ва шу муносабат билан кенг кўламдаги ва юксак самарали ракетага қарши мудофаа системасини ишлаб чиқа бошлашни эълон қилди.

Биринчи қарашда бехабар кишиларга бу нарса ҳатто жозибали бўлиб туюлиши ҳам мумкин — ахир президент чамаси мудофаа тадбирлари тўғрисида гапиряпти-ку. Лекин бу нарса фақат биринчи қарашдагина ва шу масалалар билан нотаниш кишиларгагина шундай бўлиб туюлади. Амалда эса АҚШнинг стратегик ракета-ядро кучлари шитоб билан ривожлантириб, такомиллаштириб борилаверилади ва бу жараён аниқ бир муайян йўналишда — биринчи ядровий зарба бериш потенциалига эга бўлиш йўналишида давом этади. Ана шу шароитларда ракетага қарши мудофаа ёрдамида бошқа томоннинг тегишли стратегик воситаларини йўқ қилиш, яъни шу томонни жавоб зарбаси бериш қобилиятидан маҳрум этиш имкониятига эга бўлиш нияти Американинг ядровий хавф-хатари олдида Совет Иттифоқини қуролсизлантиришга мўлжаллангандир. Бу «янги концепция»нинг ҳақиқий моҳиятига тўғри баҳо бериш учун ана шуни равшан кўра билмоқ керак.

СССР билан АҚШ стратегик қурол-яроғлар проблемасини муҳокама қилишга киришган пайтларида стратегик ҳужум қуроллари билан стратегик мудофаа қуроллари ўртасида бир-биридан ажралмас ўзаро алоқа борлигини улар эътироф этишганди. 1972 йилда мамлакатларимиз ўртасида ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги шартнома билан стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги биринчи битим бир вақтнинг ўзида тузилганлиги тасодифий ҳол эмасди.

Бошқача қилиб айтганда, томонлар шу ҳужжатларда ракетага қарши мудофаа соҳасида ўзаро вазминлик билан иш кўришгина ҳужум қуролларини чеклаш ва камайтириш йўлида олға силжишга, яъни умуман стратегик қуроллар пойгасини тўхтатиш ва уни орқага буриб юборишга имкон беришини эътироф этган ва қайд қилганлилар. Энди бўлса АҚШ ана шу ўзаро алоқани узиш мақсадини кўзламоқда. Бундай концепция амалга ошириладиган бўлса, натижада хоҳ стратегик ҳужум қуроли бўлсин, хоҳ стратегик мудофаа қуроли бўлсин, ҳамма турдаги қуролларнинг жиловсиз пойгаси учун амалда йўл очиб берилган бўлур эди. Вашингтон «мудофаа концепцияси»нинг ҳақиқий моҳияти, айтиш мумкинки, тескари томони ана шундай.

Савол. АҚШ президентининг шу нутқи муносабати билан қандай умумий хулоса чиқариш лозим?

Жавоб. Бунга қисқа ва лўнда жавоб бераман — АҚШнинг ҳозирги маъмурияти ниҳоятда хатарли йўлдан боришни давом эттирмоқда. Уруш ва тинчлик масалаларига бунчалик енгилтаклик билан қараб бўлмайди. СССРга нисбатан ҳарбий жиҳатдан устунликка эришиш йўлидаги ҳамма чиранишлар беҳудадир. Совет Иттифоқи бунга ҳеч қачон йўл қўймайди. У ҳар қандай хавф-хатар олдида ҳеч қачон қуролсиз бўлиб қолмайди. Вашингтондагилар, бу гапни яхши билиб қўйсинлар. У ердагилар ядро урушида ютиб чиқиш умидида уни қандай қилиб яхшироқ бошлашни кўзловчи янгидан-янги вариантларни ихтиро этишдан тўхташга аллақачон вақт етган. Бу машғулот билан шуғулланиш масъулиятсизликкина эмас, шу билан бирга телбалик ҳамдир.

Президент ўз нутқида аввало, Совет Иттифоқини тилга олган бўлса-да, бу гап барча давлатлар ва халқларнинг манфаатларига ҳам тааллуқлидир. Бугунги кунда Америка раҳбарлари Европа мамлакатларини ядро қуролининг бандиларига айлантиришга уринаётганликларини билиш керак. Вашингтон ва Европа пойтахтларидаги ҳарбий-ҳаракатлари бутун дунёга таҳдид солмоқда.

Бугунги кунда ҳамма кучгайрат битта ишга — ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилмоғи керак. Биз Қўшма Штатларни ана шу йўлга ўтишга қатъий даъват этамиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА БРИГАДА ПУДРАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига коллектив пудратини жорий этиш борасидаги ташкилотчилик ишларини кучайтириш тўғрисида қабул қилган қарорда республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида ишлаб чиқаришни интенсивлаш соҳасида талайгина муваффақиятларга эришганликлари қайд этиб ўтилади. Тармоқни замонавий фан-техника негизига кўчириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва концентрациялаш, иқтисодий механизмни такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш туфайли маҳсулот етиштириш йил сайин кўпаймоқда, меҳнат унумдорлиги ўсмоқда, капитал маблағлар ҳамда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошмоқда.

Қишлоқ хўжалиги умуман барқарор ривожланмоқда. Ўнинчи беш йилликда тўқизинчи беш йилликдагига қараганда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 26 процент кўпайди, экин майдонларининг ҳар гектари ҳисобига олинган маҳсулот 9 процент ошди.

Колхоз ҳамда совхоз ишлаб чиқаришига меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг анча такомиллаштирилган формаларини кенг жорий этиш, ҳамма жойда доимий хўжалик ҳисобидаги бригадалар ва звеноларни тузиш, уларни меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг нарядсиз системасига ўтказиш қишлоқ хўжалигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Коллектив пудратининг бундай формаси ер, сув, материал-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, энг юқори пировард натижага эришишга ғоят кўп даражада ёрдам беради.

Кейинги йилларда республикада қишлоқ хўжалигига бригада пудратини жорий этиш юзасидан катта ишлар амалга оширилди. 1982 йилда 18.735 бригада ёки улар умумий миқдорининг 42 процента ана шундай системага мувофиқ ишлади. Сурхондарё, Тошкент, Сирдарё, Наманган ва Андижон областларининг хўжаликларида меҳнатни ташкил этишнинг бундай формаси энг кўп оммалашди, бу областларда бригада ва звеноларнинг 42 процентдан 90 процентига қадари коллектив пудратига ўтказилган.

(Давоми 3-бетда).

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1983 йил, 29 март. № 77 Москва шаҳри

БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1983 ЙИЛ АПРЕЛЬ—ИЮНЬ ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДАН БЎШАТИШ ҲАҚИДА ҲАМДА ГРАЖДАНЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАҚИКИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССРнинг «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги қонунига мувофиқ БУЮРАМАН:

1. Ҳақиқий хизмат муддатлари 1983 йил 1 июлгача тугайдиган ҳарбий хизматчилар 1983 йил апрель—июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Чегара қўшинлари ва Ички қўшинлар сафидан запаста бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига биноан ҳарбий хизматчилар запаста бўшатилиши муносабати билан чақириш кунигача 18 ёшга тўладиган, чақириқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган гражданлар, шунингдек, чақириқ муддатини кечиктириш фурсати ўтиб кетган, чақириладиган катта ёшдаги гражданлар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Чегара қўшинлари ва Ички қўшинлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташга чақирилсин.

3. Буйруқ барча роталарда, батареялар, эскадрильяларда ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Д. УСТИНОВ.

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ЙЎЛ

социалистик мусобақа — қуватли куч

БИР МАРОМДА ИШЛАЙЛИК

ЎН БИРИНЧИ беш йиллик учинчи йилининг икки ойи ичида областимиз саноатчилари қандай ишлашди? Давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда қандай натижаларга эришдилар?

Индустриямиз ходимлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун меҳнат қўйнида жавлон урмоқдалар. Зиммаларига юклатилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, бу билан Ватанимизнинг социал-иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш шароитларини яхшилашга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

Барча саноат корхоналарида социалистик мусобақа тобора авж олянти. Умуман, ўн биринчи беш йиллик ва унинг учинчи йили план ҳамда мажбуриятларини шараф билан уддалаш учун қизғин кураш бормоқда.

Бу областимиз саноатининг жадал суръатлар билан юксалишини таъминламоқда. Эл-юрт олдида берилган ваъда тўла ва зиёдаси билан адо этиляпти. Шу йилнинг икки ойида маҳсулот реализацияси ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,1 процент ошди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши эса янада юксакроқ бўлиб, 4,8 процентни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги ҳам мажбуриятда белгиланганидан бирмунча жадал ўсмоқда. У ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3,2 процент ортди. Саноат маҳсулотини кўпайишининг қариб 70 процентга яқини меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди.

Ўтган икки ойлик ишлаб чиқариш топшириқлари асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этилди. Айниқса, социалистик мажбуриятларни бажаришда яхши натижаларга эришилмоқда. Шу даврда ваъдада белгиланганига нисбатан 132 минг сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди. Плондан ташқари истеъмолчиларга етказиб берилган саноат маҳсулоти ҳажми сал кам 11,5 миллион сўмликни ташкил этди. Саноатчилар, айниқса, февраль ойида яхши ишладилар. Биргина шу ойда қўшимча реализация қилинган маҳсулот 9 миллион сўмликка яқин бўлди.

Бундай катта муваффақиятларга кўпгина шаҳарлар ва районлар саноатчилари салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, республикамиз пойтахти индустрияси ходимлари барақали ишлашяпти. Улар ҳар ойда пландагига қўшимча миллион сўмлаб маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Икки ойда эса қўшимча реализация қилинган саноат буюмлари ҳажми 8 миллион 800 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Бу мажбуриятда назарда тутилганидан 1 миллион 622 минг сўмлик кўпдир. Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл шаҳарлари, Тошкент, Калинин районлари саноатчилари ҳам йил бошида белгиланган юксак меҳнат марраларини бир маромда эгалламоқдалар.

Индустриямиз ходимларининг шу муддат ичидаги фаолиятларида камчиликлар ҳам содир бўлди. Айрим шаҳарлар ва районлар бўйича ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичлари белгиланган даражага етмади. Чирчиқликлар маҳсулот реализация қилиш икки ойлик планини 99,5 процент, Ғалаба райони саноатчилари эса 99,7 процент қилиб бажардилар, холос. Қатор шаҳарлар ва районлар социалистик мажбуриятларни бажаришда орқада қолмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида оқсашга йўл қўяётган ишлаб чиқариш коллективлари анчагина бор.

Областимиз бўйича тўрт корхона маҳсулот реализация қилиш планини бажармади. Олмаликдаги химия ва рўзғор химияси, Бекободдаги нон заводлари, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари ўтган икки ойда пландагига нисбатан анча кам маҳсулот бердилар. Бу коллективларда планнинг бажарилмаслигига олиб келган асосий сабаб моддий-техника таъминотининг кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганлигидир. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айрим материаллар ва хом ашёнинг камлиги ишнинг орқага сурилишига олиб келмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги бўйича ўтган йилги даражадан орқада қолаётган корхоналар борлиги афсусланарли бир ҳолдир. Жумладан, 22 корхона ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг январь-февралидагига нисбатан камайтириб юборди. Бунинг оқибатида 2 миллион 245 минг сўмлик маҳсулот кам олинди. Ангрендаги 9-шахта, Чирчиқдаги «Гунча» тикувчилик фабрикаси, Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алимкент пахта тозалаш заводи, «Балиқчи» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар шулар жумласиндир. Уларда меҳнат унумдорлиги ҳам ўтган йилги даражадан камайиб кетган.

Областимиз саноатчилари йиллик планни муддатидан илгари бажариш ва қўшимча 70 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш учун курашмоқдалар. Буни тўла уддасидан чиқиш учун социалистик мусобақанинг янги-янги формаларини қўлланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини, тинмай мустаҳкамлаб бориш, илғорлар тажрибаси ва ташаббусларини янада кенгроқ ёйиш лозим. Энг муҳими, ҳар бир ишчи-хизматчининг тез ва соз меҳнат қилиши учун қулай шароитларни яратиб бериш, ишлаб чиқариш илғорларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, такомиллаштириш, интизомни бузувчилар, хўжасизлик кўринишларига қарши кескин чоралар кўриш зарур.

Бу йилги юксак мажбуриятларнинг дастлабки ойлардан ҳар бир ишлаб чиқариш коллективи бўйича бир маромда бажарилишига эришмоқ керак. Жойлардаги партия ташкилотлари, хўжалик органлари раҳбарлари бу масалани доим диққат-эътибор марказида сақлашлари, саноатчилар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, уларнинг такрорланмаслиги учун барча чораларни кўришлари, бунда меҳнат коллективларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатишлари керак.

ОЙЛИК ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

● Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли мис эритиш заводининг кўплаб тажрибали ишчилари ҳозиргача пландан ташқари ўнлаб тонна металл эритиб бердилар. Социалистик мусобақанинг авж олдирилиши кейинги ойларда кўрсаткичларнинг кескин юксалишини таъминлади. Суратда: (чапдан) участка мастери Ф. Тактаулов ва Ф. Мисбахов. Улар ўз участкаларида энг юқори натижа кўрсатиб, мусобақада карвонбошилик қилмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

● ТОШКЕНТ қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг 2-механика цехида март ойининг биринчи ярми социалистик мусобақасига якун ясалди. Барча маҳсулотларни биринчи тақдим этишдаёқ топширишга эришган ҳамда кунлик нормани мунтазам знёдаси билан бажарган Раиса Ҳисамутдинова меҳнат беллашувининг ғолиби деб топилди.

А. Тўраев фотоси.

ЕРГА ЕР ҚЎШАМИЗ

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

Колоннамиз ишчилари Бекобод районидагина эмас, Бўка ва Оққўрғон районларида ҳам ерларни ўзлаштириш, текислаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш иншоотларини бетонлаш, реконструкция қилиш каби кенг кўламли ва кўп тармоқли ишларни амалга оширишади. Коллективимизда 250 дан ортиқ ишчилар, қурувчилар, мелиораторлар ва механизаторлар меҳнат қилишмоқда.

Бу йил барча коллективлар қатори колоннамиз ишчи-хизматчилари ҳам юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, уни бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Мазкур йилда жами 3 миллион 560 минг сўмлик иш бажаришимиз, бу ишлар таннархини 0,5 процентга камайтириш, меҳнат унумдорлигини эса пландагидан оширишимиз керак. Шунингдек, экскаваторлар, скреперлар ва бошқа механизмларнинг унумли ишлашини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берамиз. Ихтирочилар таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш йўли билан бу йил 15 минг сўм маблағни иқтисод қилиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, электр энергияси, қурилиш, ёнилғи ва мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ишларини ҳар йилгидан яхшилашга аҳд қилганмиз.

Колоннамиз бўйича бу йил 365 гектар майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. 1 минг 24 гектар экин майдонларини капитал текислаймиз. 1 минг 340 гектар майдонда сув таъминотини яхшилаймиз. Жами 26 километрдан ортиқ масофадаги суғориш иншоотларини бетонлаймиз. Ҳозир «Далварзин» каналида, Ленин номли колхознинг «Жумабозор» қишлоғи чеккасидаги катта ариқда, «Хос-Уяс» каналида, Навоий номли колхоз территориясидаги суғориш иншоотларида сўнгги километрлар бетонлаштирилаётир. Бетон ишларини сифатли олиб боришда колоннамизнинг Раимқул Бобоназаров бошлиқ хўжалик ҳисобидаги бригадаси коллективи фидойилик намуналарини кўрсатмоқда. Мазкур коллективда бригада пудрати кенг жорий этилгандан буён меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди. Моддий манфаатдорлик ортиб, меҳнат интизоми яхшиланди.

Умуман колоннамизда 6 бригада хўжалик ҳисобига ўтказилиб, бригада пудрати асосида ишламоқда. Иш сифатига эътибор бериш, объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш бўйича ҳар бир кишининг масъулияти оширилган. Ишчи ва хизматчиларимиз КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Партия, давлат ва меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорларини ўзларининг асосий иш программалари деб билган ҳолда фаолият кўрсатмоқдалар. Тупроқ ишларини бажараётган Иван Бережной, Бўка районидаги «Кремль» совхозида ерларни капитал текислаш ишларини уюшқоқлик билан олиб бораётган Мамадали Ханаев, экскаваторчилар коллективига раҳбарлик қилаётган Қаюм Жўраев ўртоқлар етакчилигидаги бригадалар коллективимиз фахри ҳисобланишади. Шунингдек, ўз вазифаларини ёнқиндиллик билан бажараётган Алижон Абдуллаев, Аҳмед Усеинов каби усталаримиз меҳнатидан ҳам хурсандмиз.

А. ПАРПИХЎЖАЕВ,
«Ташводстрой»га қарашли 6-қўчма механизациялашган колонна бошлиғи.

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТЛАР

Бекободдаги 16-автокорхона ҳайдовчиларининг илғор иш методлари кўпчилик турдош корхоналарга ибрат қилиб кўрсатилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Кейнги йилларда бригада методи усулида иш юритиб, юкларни ўз вақтида манзилларига етказишда корхонада бой тажриба тўпланди. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули асосида ишлаётган икки бригада жами юкнинг 60 процентини ташиётганлиги кимни ҳайратлантирмайди, дейсиз. Бригада етакчиси Ҳабибулла Абдужабборов тажрибасини ўрганиш мақсадида бу ерда республика автотранспортчиларининг илғор тажриба мактаби ташкил этилганлиги ҳам уларнинг иш усулини ўрганиш фойдадан холи эмаслигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бу корхона тажрибаси билан яқиндан танишиб чиқдик.

Ҳар биримизда беихтиёр «биз ҳам шундай юқори кўрсаткичга эришишимизга нималар халақит бериши мумкин», деган савол туғилди. Шундан сўнг ана шу йўлда ғов бўлиб турган айрим муаммолар бирма-бир ёдимизга туша бошлади.

Бригадада 15 та автомашина бўлиб, ҳар куни пахта тозалаш заводлари учун тайёрлов пунктларидан 350—360 тонна пахта ташиб келтирамиз. Бу — кундалик планимиз. Лекин, йил бошида коллективимиз аъзолари машиналардан унумли фойдаланиш, ремонтлараро муддатни узайтириш ҳамда принципдан самарали фойдаланиш туфайли беш йиллигнинг учинчи йилида 1,5 йиллик план миқдорида юк ташиб бериш мажбуриятини олдилар. Ҳозир эса ана шу план бажарилмаса керак, деб гумонсираяпмиз.

Эҳтимол асоссиз юқори мажбуриятлар қабул қилган экансиз-да, делётгандирсиз. Мутлақо ундай эмас. Бунинг учун 13 та автоприцепни ҳар куни ишга чиқаришимиз талаб этилади. Қолаверса, ҳар бир ҳайдовчи белгиланган маршрутлар бўйича графикдаги рейсларни тартиб билан бажариши керак. Бу юклар асосан С. Сегизбоев совхозидаги пахта тайёрлаш пунктидан ҳамда «Октябрь» пахта тайёрлаш пунктидан Оққўрғон- пахта тозалаш заводига ташиладиу ердан эса техник чигитларни Тошкент шаҳрига—ёғ-мой комбинатига етказиб берамиз.

Бу вазифалар қандай бажариляпти деган саволга ҳеч иккиланмай аъло даражада дейиш мумкин. Бизда ҳам Бекободдаги 16-автокорхонадаги каби тажрибали ҳайдовчилар талайгина. Бозорбой Усаров, Соатилла Умаров, Анатолий Кулеев, Маҳмуд Турхманадзелар шулар жумласиндир. Ана шу илғорларимиз туфайли смена топшириқларини 1,5—1,8 баравар ошириб бажаришимиз мумкинлигини ҳисоблаб чиқдик. Лекин бундай бўлмаяпти. Бизга боғлиқ бўлмаган бир тақдирда бу имкониятлар қўлдан бой берилаётгани жуда алам қилади, кишига. Бунинг сабаби эса жуда оддий.

Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ҳали эрта бўлса-да, лекин ишга барвақт етиб келади. Соат 8 да ҳаммамиз корхона территориясидан машиналарни олиб чиқиб кетамиз. Кўп ўтмай пахта пунктлари ёнида турна қатор машиналар пайдо бўлади. Чунки, у ерда иш соат... тўққизда бошланади. Бу ҳам етмагандек, ортиқ- тушириш мосламаларининг камлиги туфайли автомобиллардан фойдаланиш коэффициенти пасайиб кетади. Хусусан, «Октябрь» пахта тайёрлаш пунктини мисолга олайлик.

Мазкур пунктга 3 та автопоездимиз хизмат кўрсатади. Ана шу автопоездларга ягона «РБХ» ортиш мосламаси пахта юклайди. У ҳам бўлса тез-тез бузилиб туради... Шуни айтиш кифояки, 3-автопоездимиз пунктдан соат 12 да юк олиб чиқиб кета олади. Ваҳоланки, бу пайтгача машиналаримиз Оққўрғон пахта тозалаш заводига учинчи марта юк олиб боришлари мумкин эди. Охунбобоев номли колхоз маъмурияти ҳар куни пахта юклаш учун битта юклагич бериб туриши керак. Лекин бу шарт- ҳоҳида бажарилиб, ҳоҳида бажарилмай қолаверади.

Машиналаримиз Оққўрғон пахта тозалаш заводига етиб келди ҳам дейлик. Бу ерда яна бир янги ташвиш бошланади. Энди бортдаги юкларни қачон тушириб олишаркан деб соатлаб вақтимизни бекор ўтказишга мажбур бўляпмиз.

Шунга ўхшаш муаммолар фақатгина бизни қийнаётган бўлмаса керак. Автотранспортда бригада пудратининг янада кенг қулоч ёзиши учун тўсқинлик қилаётган ана шундай камчиликлар жуда кўп. Лекин улар ҳақида транспортчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар деган умиддаман.

А. ЖУМАНОВ,
Алимкентдаги 46-автокорхона бригада бошлиғи.

ЎЗАРО ТАЛАБЧАНЛИК

ШАРАФ ВА ШУҲРАТ— МЕҲНАТГА ЯРАША

Бригада кенгашининг навбатдаги мажлиси қизғин бошланди. Ишчи қиз ярим сменагина ишлаб, уйига кетиб қолибди. Унинг бу иши Тошкентдаги «Малика» трикотаж бирлашмаси қуритувчиларининг бутун бригадасини ғазаблантирди.

Айтилган турли-туман таклифлар орасида ҳаддан ташқари кескин таклифлар ҳам бор эди: бригада аъзолари прогулчиларни ёқтирмайди, аммо, қаттиқ огоҳлантириш ва меҳнат интизоми коэффициентига мувофиқ иш ҳақининг бир қисмини камайтириш билан чекланишга қарор қилишди.

— Интизомни бузишнинг ҳар бир ҳодисасига оператив равишда чора кўриш меҳнатни бригада усулида ташкил этишга ўтилганидан кейин биз учун қонда бўлиб қолди, — дейди бригадир М. Маҳмадалиева. — Ягона наряд бизга катта имкониятлар берди. Энди ҳар бир кишининг умумий ишда шахсан қўшган ҳиссасини баҳолаймиз. Биз қўйдиган коэффициентлар ишчи бажараётган операцияга, кун давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига, сифатига қараб нулдан иккигача бўлади. Интизомни ҳам ҳисобга оламиз, албатта.

Маҳмадалиева бригадаси «Малика»да биринчилар қатори пировард натижага қараб меҳнат ҳақи олишга ўтди.

ЎзТАГ.

«ИШЧИ ЭСТАФЕТАСИ»

ЭКОНОМИКА ТЕЖАМЛИ БЎЛСИН

ЗАРБДОР ВАХТАДА

● Пешқадам ишчи Турғун Комилов номини республикамиз пойтахтидаги «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳурмат билан тилга оладилар. Корхонада узоқ йиллар давомида ишлаб келаётган бу моҳир мебелсоз ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш, маҳсулот сифатини оширишда касбдошларига намуна бўлмоқда. Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилаётган илғор ишчининг ҳар сменадаги иш кўрсаткичи 130 процент ва ундан ҳам ошиқроқни ташкил этмоқда. Тажрибали мебелчи мураббийлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашмоқда. Унинг кўп шогирдлари ўзи билан ёнма-ён туриб ишлаяпти. Ушбу суратда моҳир мебелсозни иш устида кўриб турибсиз.

В. Портнов фотоси.

ЧОРВОҚ ГЭСи ноёб нурхона ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикри шундай. У тоғлар орасида юзага келган тўнғич станция эди. Уни барпо этишда электр станциялари қурилишида шу вақтгача дуч келинмаган жуда кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келди. Шунинг учун ҳам нурхона яратилишида иштирок этган бир группа лойиҳачилар, бинокорлар ва монтажчилар СССР Министрлар Советининг мукофотига сазовор бўлдилар. Шундай лауреатлар орасида «Гидропроект» институти Ўрта Осиё бўлинмасининг катта инженери Дмитрий Александрович ЖИГАРЕВ ҳам бор эди. Бу лойиҳачи газетамиз мухбири билан қилган суҳбатда Чорвоқ гидроузели лойиҳасини яратган тошкентлик мутахассисларнинг тажрибаси Ўрта Осиёнинг қатор бошқа қурилишларида қўл келаётганлиги ҳақида гапириб берди.

— ҲАММАГА маълумки, электр станцияси ва сув омборидан иборат бўлган Чорвоқ комплекси муддатидан бир йил илгари фойдаланишга топширилди. Буни бунёд этиш учун самарали лойиҳавий ечимлар ҳисобига 4 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағ тежалди. Эндиликда орттирилган бу тажриба Тожикистондаги Вахш ва Қирғизистондаги Норин дарёларида гидроузеллар лойиҳасини яратиш ва қуришда фойдаланилмоқда.

Бизнинг коллективимиз ўн биринчи беш йиллик учун зиммасига олган социалистик мажбуриятларида объектлар қурилишининг смета нархини 39 миллион сўмлик камайтиришга аҳд қилган. Бундан ташқари, қурилишда цемент, металл, шунингдек, меҳнат сарфини қисқартириш бўйича ҳам юксак марралар белгиланди. Ўтган иккинчи йил якунлари лойиҳачиларимиз бу марраларни муваффақиятли эгаллаётганликларидан далолат бериб турибди. Вахш дарёсида қад кўтараётган Бойпозин ГЭСи лойиҳачиларининг тажрибаси бунга мисол бўла олади. Бу янги нурхона ҳозирги вақтда тўла қувват билан ишлаётган Норак ГЭСидан 32 километр қуйида барпо этилмоқда.

Бу комплекснинг аҳамияти каттадир. Станцияда арзон электр энергияси ҳосил қилинади. Ораликда сув омбори бунёд этилади. Бу Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон пахта далаларини сув билан таъминлашни сезиларли даражада яхшилаш имконини беради. Электр станцияни тажрибали «НурекГЭСстрой» коллективи қурмоқда. Тажрибали бу қурилиш-монтаж ташкилоти вакиллари институтимизда тез-тез бўлиб туришади. Лойиҳачиларимиз ҳам нурхона бунёдкорлари ҳузурига бориб турадилар.

Қурувчилар биз билан «Ишчи эстафетаси» орқали мустаҳкам алоқа ўрнатишган. Шунинг учун ҳам лойиҳалаш ва қурилиш ишлари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳамкорликда муҳокама қилиниб, ҳал этиляпти. Объект қурилишида қўлланилаётган ечимлар катта иқтисодий самара бермоқда.

Тошкўмир ГЭСи лойиҳасида ҳам ана шундай самарали техник ечимлар қўлланилиши назарда тутилган. Бу нурхона Қирғизистондаги Норин дарёсида қад кўтармоқда. Унинг лойиҳачилари яхши самара берадиган тадбирларни ишлаб чиқдилар. Натижада сув қабул қилгичларни қуришда таъминотчилар бунёд этилмоқда. Шунинг учун ҳам кўплаб ер ости иншоотлари қуришга тўғри келяпти. Ҳатто ГЭСлар бинолари ҳам ер остида жойлаштирилмоқда. Бу ишнинг катта ҳажмда олиб борилаётганлигини аниқ тасаввур қилиш учун биргина мисол келтирмоқчиман. Ўрта Осиёда энг йирик бўлган Тожикистондаги Рогун ГЭСи қурилишида ер ости иншоотларининг умумий узунлиги сал кам 60 километрни ташкил этади. Тажриба ана шундай йирик комплекслар лойиҳасини яратиш ва қурилишида иқтисод қилишнинг каттакатта резервлари мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам бўлинмамиз мутахассислари Рогун гидроузели ер ости иншоотлари қурилиши таннархини техник лойиҳадагига нисбатан 4 миллион сўмликдан кўпроқ камайтириш мажбуриятини олишди.

Биз қурилиш лойиҳадан бошланишини яхши биламиз. Лойиҳа қанчалик пухта яратилган бўлса, объектлар қурилиши ҳам шунчалик тез ва кўнгилдагидек боради. Шунинг учун ҳам лойиҳа яратишда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланиш, барча объектларнинг замонавий техника асосида қурилиши учун замин яратиб бериш керак. Бунинг учун тинмай изланиш олиб бориш талаб этилади. Бўлинмамиз коллективи бу йўлдаги ҳаракатни бўшаштирмай давом эттиравередилар. Биз хом ашё, материаллар, ёқилғини иқтисод қилиш, давлат маблағларини тежаш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларига тўла амал қилишга астойдил интиламиз. Бу билан ишлаб чиқариш резервлари ва имкониятларини тўлароқ ишга солиш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш учун кенг кўламда бораётган умумхалқ ҳаракатига муносиб ҳисса қўшамиз.

И. АҲМЕДОВ.

ҚОЛОҚЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ

БЕКОБОД НОН ЗАВОДИ

ЯНВАРЬ ОЙИ маҳсулот реализация қилиш планини бажармаган Бекобод нон заводи коллективи февраль ойида ҳам ишда ўзгариш қилмади. Оқибатда иккинчи ой топшириғи ҳам уддаланмади. Давлатдан 11 минг сўмлик маҳсулот қарз бўлиб қолинди. Икки ойлик план 96,5 процент қилиб бажарилди, холос.

11 минг сўмлик маҳсулот ойлик плани бир юз эллик минг сўмликдан ошиқ бўлган корхона коллективи учун унчалик кўп эмас. Бемалол уддалаш мумкин эди. Лекин шундай қилинмади. Оқибатда қолоқ корхоналар сафига тушиб қолинди.

Бунинг асосий сабаби корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш, жилла қурмаса — бу кўрсаткични эришилган даражада сақлаб қолиш ҳақида етарли қайғурилмаётганлигидадир.

Ўтган йили унумдорлик олдинги йилдагига нисбатан беш процент камайиб кетди. Бу йил ҳам шу муҳим кўрсаткич ой сайин оқсамоқда. Топшириқ уддаланмаяпти. Бу қолоқлик сабабли кўрилган зарар ўн бир минг сўмни ташкил этди. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, қўл меҳнати сарфини пасайтириш учун зарур чоралар кўрилмаяпти. Ишчи кучи қўнимсизлиги давом этмоқда, ишчилар малакасини ошириш, қўшимча касбларни ўрганиш учун қулай шароитлар яратиб берилмаган.

4-ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ

Бу заводда ўнлаб қурилишлар учун турли-туман темир-бетон конструкцияларни ва буюмларни ишлаб чиқарилади. Демак бу қурилишларнинг бир маромда олиб борилиши кўп жиҳатдан шу комбинат коллективи ишига, буюртмаларнинг ўз вақтида тайёрлаб берилишига ҳам боғлиқ.

Лекин, Ангрендаги бу корхона маъмурияти масъулиятни чуқур ҳис қилмаётганга ўхшайди. Нега десангиз, комбинат учун янги иқтисодий кўрсаткич — норматив соф маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича план ҳамон бажарилмаяпти. Ўтган йили у 78,4 процентда қолиб кетган эди, йилимизнинг икки ойида эса у 83,7 процентни ташкил этди.

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги бўйича ҳам топшириқлар уддаланмаяпти. Ҳар бир ишчи ҳисобига тайёрланган маҳсулот миқдори пландагидан 86 сўмлик, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 172 сўмлик камайиб кетди. Шундай қилиб топшириқ 95,2 процент адо этилди.

Маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмаяпти. Айрим буюмлар стандарт талабларига жавоб бермаяпти, бракка ҳам йўл қўйилмоқда. Бундай камчиликларнинг содир бўлишига олиб келаётган нуқсонлар анчагина бор. Аввало, моддий таъминотдаги узилишлар, айниқса, цементнинг тахчиллиги оқибатидир.

Айни вақтда ишчи кучи етишмаяпти. Ўнга яқин малакали бетончилар, арматурачилар ўрни бўш, бунинг устига коллектив аъзолари тез-тез янгиланмоқда, ҳар ойда ўнлаб ишчилар бўшаб кетмоқда, улар ўрнига кўпинча ёшлар қабул қилинмоқда. Уларга касб ўргатиш анча вақтни талаб этяпти. Ишлаб чиқариш маданияти ҳам кўнгилдагидек эмас. Бундай қолоқлик қачонгача давом этади?

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА БРИГАДА ПУДРАТИ

(Боши 1-бетда).

Нарядсиз бўлинмалар — хўжаликлар ичидаги иқтисодий ўзаро муносабатларнинг энг мукаммал формаси бўлиб, бунда унча кўп сонли бўлмаган меҳнат коллективи шартномада белгиланган миқдордаги маҳсулотни олиш мажбуриятини қабул қилади, хўжалик раҳбарлари эса коллективга зарур ишлаб чиқариш ресурсларини ўз вақтида етказиб бериш ҳамда бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун шарт-шароит яратиш ва олдиндан келишилган шартлар билан маҳсулотга ҳақ тўлаш мажбуриятини оладилар.

Коллектив пудратига мувофиқ ишлаётган бригадалар ва звеноларда бригада (звено) аъзоларининг меҳнатига баҳо беришда уларнинг айрим операцияларни бажаришлари эмас, балки пировард иш натижалари асос қилиб олинган, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси етиштирилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига бевосита боғлиқ қилиб қўйилган. Бажарилган ишлари ҳисобга олиб бориш зарурати қолмайди, бу эса бригадаларнинг кўпгина ҳисобчиларини қисқартириш учун шароит яратади. Бунда ходимларнинг шахсий манфаатлари хўжаликнинг маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан иборат умумий вазифалари билан жуда яхши мос бўлиб тушади, ишлаб чиқаришни бошқаришда бригада, звено коллективининг ҳуқуқлари кенгаяди.

Ихтиёрийлик асосида тузилган бундай коллективларда ишлар бригада аъзоларининг юксак онглилиги принципларида, ўзаро ишонч, ишда ўзаро ёрдам ва ўзаро контроллик асосида қурилади. Коллектив пудрат ходимларда коллективчилик туйғусини ривожлантиради, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлайди, уларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялайди.

Бригада пудратининг юксак самарадорлигини республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги совхозлари мисолида кўриш мумкин. Ана шу совхозларда 1982 йилда меҳнатни ташкил этишнинг нарядсиз системасига ўтган бригадалар ва звеноларда пахта майдонининг 40 процентида ишлади. Йил якунларига кўра улардаги пахта ҳосилдорлиги одатдагига нисбатан гектар бошига 2,8 центнер, меҳнат унумдорлиги эса 28 процент юқори бўлди. Айниқса шуниси муҳимки, бу ерда ҳар центнер пахта ҳосибига тўланган меҳнат ҳақи эскичасига ишлаётган бўлинмалардагига қараганда 11 процент кам, ҳар бир ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақи эса 284 сўм ортиқ ёки 16 процент кўп бўлди. Бу бригадаларда бир мунча сифатли пахта олинди, 1 тонна пахтанинг реализация қилинадиган нархи одатдаги бригадаларга қараганда 157 сўм ёки 29 процент ортиқ бўлди. Бригада ва звеноларнинг 40 процентли коллектив пудратига мувофиқ ишлашга ўтказилганлиги 1982 йилда министрлик совхозларига қўшимча 68 минг тонна пахта етиштириш, 20 миллион сўм иш ҳақини тежаб қолиш ва пахта учун 119 миллион сўм қўшимча маблағ олиш имконини берди.

Республиканинг барча областларида нарядсиз бригада ва звеноларнинг коллективлари яхши натижаларга эришмоқдалар.

Коллектив пудратини жорий этиш билан бир пайтда бригадалар йириклаштирилаётган Сурхондарё областида кейинги икки йил мобайнида иш ҳақи фонди 2,2 миллион сўмга борадиган ҳисобчилар ва бригадирларнинг 1426 штат бирлиги қисқартирилди. 1982 йилда бу областда пахтачилик бригадаларининг 80 проценти коллектив пудрат асосида ишлади. Бу бригадалардаги пахта ҳосилдорлиги оддий бригадаларга қараганда 1,4 центнер юқори, ҳар бир киши кунига етиштирилган пахта 14,5 процент ортиқ бўлди. Бир ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақи 2610 сўмни ташкил этди ёки бошқа бригадаларга қараганда 32 процент кўпайди. Айни вақтда ҳар бир центнер маҳсулот ҳисобига 18 процент иш ҳақи фонди ҳам тежаб қолинди.

Областда коллектив пудратни жорий этиш билан бир вақтда йириклаштирилган алмашлаб экиш агроучасткалари тузилмоқда, бу эса мўл пахта ҳосили олиш учунгина эмас шу билан бирга бутун алмашлаб экиш даврида озуқа экинларидан ҳам мўл ҳосил олиш учун бригадалар коллективларининг масъулиятини оширади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг формаларини, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш область колхоз ва совхозларининг экономикасини мустаҳкамлашга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Тошкент областининг хўжаликларида 1981 — 1982 йиллар мобайнида 77 колхоз ва 7 совхознинг иш якунларига кўра нарядсиз бригадаларда пахта ҳосилдорлиги 2,3 центнер юқори, пахтанинг таннархи 18 процент арзон, ҳар бир ходимга пул ҳисобида етиштирилган ўртача йиллик маҳсулот 15 процент кўп, сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига олинган маҳсулот 29 процент ортиқ бўлди.

Сирдарё областининг колхозларида меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлашга ўтилгандан кейин маҳсулот етиштириш харажатлари 2 миллион сўмликдан кўпроқ қисқарди, 850 минг сўм иш ҳақи тежаб қолинди.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев номли ва «Коммунизм» колхозларининг тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу колхозларда коллектив пудрат тугал формага эга бўлиб, бутун йил мобайнида, шу жумладан йиғим-терим даврида ҳам қўлланилмоқда. Кейинги йилларда ана шу хўжаликларда ҳосил йиғим-теримига четдан ишчи кучи жалб этилмаяпти, пахта териш машиналарининг анча юқори унумдорлигига эришилмоқда, ҳосил йиғим-терими барвақт муддатларда ниҳоясига етказилмоқда.

Кўпдан-кўп конкрет бригадаларнинг иш якунлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш янги методининг афзалликларидан яна ҳам яққолроқ далолат беради. Ана шу бригадаларнинг кўрсаткичлари улар меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай формасидан вақти-вақти билан аванс бериб туриладиган аккорд — мукофотли формасига ўтказилгандан кейин кескин яхшиланди.

Шу билан бирга коллектив пудратининг афзалликлари жуда яққол кўриниб турганлигига қарамай уни колхоз-совхоз ишлаб чиқаришига ҳамма жойда ҳам бир хилда жорий этиляпти, деб бўлмайди. Фарғона, Хоразм, Жиззах, Навоий областлари ҳамда Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида бу масалага старлича эътибор берилмаяпти, ана шу колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг атиги 8—15 процентигина бригада пудратига асосланиб ишламоқда. Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, «Узглавкаракульпром», «Узглавзаготживпром», «Узптицепром» совхозларида, Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникаси корхоналарида нарядсиз бўлинмалар жуда кам.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси асосан пахтачиликда қўлланилмоқда, унинг мева-сабзавотчилик, галлачилик, ем-хашак етиштиришда ва айниқса чорвачиликда оммалашуви асоссиз равишда тўхтатиб қўйилмоқда.

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, кўпгина областлар ва районларда коллектив пудрат суст жорий этилишининг асосий сабаби шуки, бир қанча жойларда колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ишида коллектив пудратнинг муҳимлигига етарли баҳо бермаяптилар. Партия, совет ва касаба союз ташкилотлари бу масалаларга кам эътибор бермоқдалар, коллектив пудратини қўлланаётган хўжаликлар ҳамда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш борасидаги ишларни суст ташкил этмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё областлари хўжаликларининг, бошқа барча колхозлар, совхозлар ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг коллектив пудратини қўлланиш соҳасидаги таржибасини маъқуллади. Улар мана шу асосда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда юксак натижаларга эришишни таъминламоқдалар.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, область ва район агросаноат бирлашмаларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига, Госкомсельхозтехникага, Главсредазирсовхозстройга, касаба союз ташкилотларига коллектив пудратини қишлоқ хўжалигига кенг жорий этиш юзасидан ташкилотчилик ишларини кучайтириш топширилди. Тўпланган тажрибадан фойдаланиб, шу беш йилликда барча пахтачилик бригадалари ва звеноларини нарядсиз системага ўтказилсин, уни қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига — ҳар бир тармоқнинг шарт-шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олиб мева-сабзавотчилик, маккажўхорикорлик, чорвачиликка, ем-хашак етиштиришга кенг жорий этилсин.

Коллектив пудратини қўлланаётган ишлаб чиқариш бўлинмаларининг илғор тажрибаси ҳар бир хўжаликда чуқур ўрганилишини ва бу илғор методнинг иқтисодий моҳияти қишлоқ меҳнаткашларига тушунтирилишини таъминлаш зарур. Бригада пудратининг жорий этилиши учун колхозлар ва совхозлар, маҳаллий қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ҳамда мутахассислари масъулияти оширилсин, меҳнат коллективларини ихтиёрийлик асосида тузиш ва уларнинг раҳбарларини сайлаб қўйиш принципларига қатъий риоя этилишига, хўжаликларнинг маъмуриятлари билан тузилган шартномаларда белгиланган ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда бригадалар ва звеноларга тўла мустақиллик берилишига, янгича ишлаш учун коллективларга зарур ишлаб чиқариш ва иқтисодий шароитларни вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимига, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик экономикаси илмий-тадқиқот институтига 1983 йилнинг май ойида Сурхондарё областида колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига коллектив пудратни жорий этишга бағишланган семинар-кенгашни ўтказиш, унга область ва район қишлоқ хўжалик органларининг, Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон Госкомсельхозтехникаси, «Главсредазирсовхозстрой» бўлинмаларининг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини таклиф этиш топширилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш масалаларига доир, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имконини берадиган формаларни қидириб топиш юзасидан тадқиқотчилик ишлари кучайтирилсин. Бригадалар ва звеноларнинг аъзоларининг энг мақбул сони асосланган бўлишига, асосий ва қўшимча иш ҳақи ёзиш принципларига, техникадан ғоят унумли фойдаланишни ташкил этишга алоҳида эътибор жалб қилинсин.

Республика, область ва район газеталари ҳамда журналларининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Госкомиздати, Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшитириш Давлат комитети, Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитети, республика «Билим» жамияти қишлоқ хўжалигида коллектив пудратни қўлланиш илғор тажрибасини кенг пропаганда қилишлари, Озиқ-овқат программасини бажариш, ўн биринчи беш йилликнинг иқтисодий ва социал вазифаларини ҳал этиш ишида унинг муҳим аҳамиятини кўрсатиб беришлари керак.

Тошкент область матлубот союзи Советининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область матлубот союзи правлениесининг раиси С. Ф. Файзиев доклад қилди.

Йиғилишда 1982 йилда қишлоқ меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан анчагина ишлар қилинганлиги таъкидлаб ўтилди. Йиллик товар-оборот планлари ошириб бажарилди. Савдони ташкил қилиш такомиллаштирилди. Умумий овқатланиш тармоғи ривожлантирилди ва моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга докладчи камчилик ва нуқсонларни ҳам қайд қилиб ўтди. Айрим кооператив ташкилотлар қишлоққа йўл қўйдилар. Қишлоқда умумий овқатланиш тармоғи бир текис ривожланмаяпти. Ярим тайёр масаллиқлар, кулинария, кондитер маҳсулотлари, шунингдек ассортиментдаги нонбулка маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятларидан тўлалигича фойдаланилмаяпти.

Кооператив фермаларнинг катта қисми қорамол ва парандалар парваришидан даромад олаётган бир пайтда Оққўрғон ва Бўка район матлубот союзлари, Оҳангарон ва Чиноз район матлубот жамиятлари кўнгилдагидек натижани қўлга киритмаяптилар. Хўжаликларга ажратилган майдонлардан олинадиган озуқа экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат чиқиндиларидан рационал фойдаланишни таъминлаш лозим. Бу талаб беш йилликнинг зарбдор йилида кооператорлар олдида 12800 тонна, 1984 йилда 14000 тонна ва 1985 йилда 15000 тонна гўшт етиштириш вазифаси турган бир пайтда айниқса актуалдир.

Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигидан гўшт, картошка, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари харид қилиш юзасидан белгиланган топшириқларини бажариш учун ҳамма чоралар кўрилиши керак.

Йиғилишда матлубот кооперацияси фаолиятининг бошқа муҳим масалалари ҳам муҳокама этилди. Докладчи, шунингдек сўзга чиққан давлат савдоси ва матлубот кооперацияси касаба союзлари область комитети президиумининг раиси А. А. Мамедов, Паркент район матлубот жамияти правлениесининг раиси Ж. Эргашхўжаев, Калинин район матлубот союзи Чўпонота бўрдоқичилик хўжалиги мудири Б. Аҳмедов ва бошқалар кооператорларнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшадиган ҳиссасини ошириш юзасидан вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга қаратилган таклифлар билдирдилар.

Тошкент область партия комитетининг областимизда чорвачиликни ривожлантириш юзасидан 1983—1985 йиллар учун белгиланган тадбирларини амалга оширишни учун кўп ишлар қилиш керак.

Кооператорлар йиллик ялпи товар-оборот планини 28 декабргача бажариш ва унга қўшимча 8.500 минг сўмлик маҳсулот сотиш мажбуриятини яқдиллик билан қабул қилдилар.

Совет йиғилишида область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Х. У. Умаров нутқ сўзлади.

Йиғилиш ишида «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари А. А. Козлов иштирок этди.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА САВДО ХИЗМАТИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ МАТЛУБОТ СОЮЗИ СОВЕТИНИНГ ЙИҒИЛИШИДАН

Халқаро ҳаёт

● ҲИНДИСТОН. Калькуттада ўрнатилган К. Маркс ва Ф. Энгельс ҳайкали. У «ГДР—Ҳиндистон» дўстлик жамияти томонидан ҳинд халқига совға қилинган эди.

С. Кармалито фотоси. (ТАСС).

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

СЕССИЯ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

БУХАРЕСТ. Бу ерда Руминия Социалистик Республикаси буюк миллат мажлисининг сессияси ўз ишини тамомлади. Депутатлар 1983 йилнинг биринчи кварталида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш плани қандай бажарилаётганлиги ва Руминия Компартияси миллий конференциясининг экономика барча тармоқларида ишлаб чиқаришни юксалтириш, меҳнат унумдорлигини ва хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга оид қарорларини бажариш тадбирлари тўғрисида РСР Министрлар Советининг докладини муҳокама қилдилар.

Сессия ишида РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску, республиканинг бошқа раҳбарлари иштирок этдилар.

ФИНЛЯНДИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда Финляндия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум яқинда парламентга ўтказилган навбатдаги сайлов якунларини ва партиянинг шундан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этди. ФКП раиси Йоуко Каяноя мазкур масала юзасидан доклад қилди.

Пленум мамлакат янги ҳукуматини тузиш тўғрисидаги бўлажак музокаралар муносабати билан ФКПнинг ҳукумат программасига киритиладиган конкрет таклифларини маъқуллади.

ФКП Марказий Комитетининг пленуми 1984 йилнинг 25—27 майида Финляндия Компартиясининг навбатдаги XX съездини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1948 йилда тузилган Совет—Финляндия шартномасининг 35 йиллиги тўғрисида баёнот ҳамда ташкилий масалалар юзасидан бир қанча қарорлар ҳам қабул этилди.

АРАЛАШИШ СИЕСАТИГА ҚАРШИ

ВЕНА. Бу ерда Никарагуага қарши қуролли агрессия муносабати билан Марказий Америкада вужудга келган вазиятга бағишланиб ўтказилган халқаро семинар ўз ишини тамомлади. Семинарда мазкур регионнинг курашаётган халқлари билан бирдамлик ҳаракатлари намояндалари ҳамда Австрия, Гватемала, Голландия, Никарагуа, Сальвадор, ГФР, Швеция ва Югославиядаги тинчлик учун кураш ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Учрашув қатнашчилари қабул қилган якунловчи баёнотда улар АҚШнинг Марказий Америкадаги мамлакатлар ички ишларига империалистик аралашувини кескин қораладилар, ўзининг миллий мустақиллигини ва революцион ғалабаларини ҳимоя қилаётган Никарагуа халқи билан бирдамлик изҳор этдилар. Улар шунингдек реакция кучларига қарши курашаётган сальвадорлик ватанпарварларни қўллаб-қувватлаяжаклари маълум қилдилар.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОБУЛ. Афғонистон революцион раҳбарлиги афу умумий тўғрисида қабул қилган қонунидан фойдаланган юз кишидан иборат аксилинқилобчи унсурлар группаси қуролини ташлаб, халқ ҳокимияти томонига ўтди.

Бу группа, деб хабар қилади Бахтар агентлиги, Парвон вилоятининг уезд ларидан бирида иш кўрган. Унинг раҳбари ўз ёрдамчиси билан бирга Афғонистон пойтахтидаги хавфсизлик органларига таслим бўлди.

▲

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатлар Америкасининг Марказий Америка давлатлари ички ишларига қуролли аралашуви учун Гондурасни асосий плацдармлардан бирига жадал суръатлар билан айлантирмоқда, «Бостон глоб» газетаси Вашингтоннинг расмий доираларига таяниб хабар беришича, маъмурият Гондурасда чиркин Сальвадор режими армияси учун солдат ва офицерларни тайёрловчи катта марказ тузишга интилмоқда. Бу марказда қарийб юз нафар америкалик «сабоқ» беради. Сальвадор каллакесарларидан 17 минг киши уларнинг қўл остида бўлади. Марказда Сальвадор армиясининг 50 га яқин батальони тузилиб, уларга таълим берилади. Асосий эътибор партизанларга қарши уруш олиб бориш назарияси ва практикасига қаратилади.

(ТАСС, 28 март).

ҲАР ДАҚИҚАСИ ҒАНИМАТ

БЎКА РАЙОНИДАГИ К. МАРКС НОМЛИ КОЛХОЗ ДЕҲҚОНЛАРИ ЧИГИТНИ ЕРНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАРНИ КЎРМОҚДАЛАР

ҚАЕРДА иш яхши ташкил этилса, барча шарт-шароит яратилса, раҳбар ва мутахассисларнинг малакаси, тажрибаси етарли бўлса, ўша ерда кишилар кўтаринки руҳ билан унумли меҳнат қиладилар. Зиммадаги вазифалар ўз вақтида бажарилиб, хўжалик ҳамиша илғорлар сафида бўлади.

Бўка районидаги Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари ҳам ана шундай иш тутишмоқда. Яқинларгача қолоқлар қаторида тилга олиниб келаётган бу хўжалик сўнгги йилларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга эришмоқда. Зарбдор тармоқ чорвачилик ҳам жадал суръатларда ривожланиб бораётир. Яқинда мухбиримиз мазкур колхозда бўлиб, хўжалик раҳбарлари, бригада бошлиқлари ва механизаторлар билан суҳбатлашди.

ҲАММАСИДАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Шомурод ОЧИЛОВ,
колхоз раиси

● — ЎН БИРИНЧИ беш йилликнинг иккинчи йилини яхши якунладик. Зиммадаги план ва мажбуриятлар шараф билан бажарилди. Ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун меҳнат қилаётган деҳқонларимиз беш йилликнинг учинчи йилини ҳам зарбдорчасига бошлаб юборишдилар. 1140 гектар майдондан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдик. Дон етиштиришни ўтган йилга нисбатан 12 процентга, гўштни 20 процентга, сутни 15 процентга ва тухумни 20 процентга кўпайтириш асосий шиоримиз. Шунингдек, картошка, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳам жадал ўсади.

Албатта, зиммага юксак мажбурият олгандан кейин шунга яраша меҳнат қилмоқ керак. Хўжалигимиздаги экин майдонлари деҳқончилик учун ноқулай. Паст-баландликлардан иборат. Ҳар йили 100—200 гектар майдонни капитал текислаяпмиз. Шунингдек, мелиоратив ҳолати ҳам нормалаштирилмоқда. Бу йил сув чиқиши қийин бўлган 350 гектар ерга ишлов бералди.

Механизациясиз юқори кўрсаткичга эришиб бўлмайди. Шунинг учун барча техника воситаларини мавсум тугаши билан ремонт қилишни бошлаб юборган эдик. Бу яхши самара берди. Ҳозирда машина ва механизмлар сифатли ремонтдан чиқарилган. Механизаторларимиз дон ва кўк поя учун 100 гектар майдонга маккажўхори, шунингдек 50 гектар ерга беда уруғи экиб қўйишди.

Тажрибалар экин майдонларини маҳаллий ўғит билан озиқлантириш мўл ҳосил олишда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Бу йил далаларга солиш учун 13 минг тонна маҳаллий ўғит жамғарилди. Шундан 9 минг тоннаси экин майдонларига солинди. Қолган 4 минг тоннаси минерал ўғитлар аралаштирилиб компост қилиб қўйилди.

Пахтачилигимиз машъаллари Нормамат Мансуров, Шоди Шозададназаров, Рафиқ Исмоилов ва Дўстмирза Тўляшов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик кескин ортиб бораётир. Улар бу йил ҳар гектар ердан 48—50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш учун хўжалигимизда малака ошириш семинарлари ташкил қилдик. Бундан ташқари район марказида илғор тажриба мактабини тугаллаб қайтган ёшларни масъул вазифаларга қўйиш ҳам бу соҳадаги ютуқларимиздан биридир.

Ҳеч бир соҳада муваффақият билан чегараланиб қолиш мумкин эмас. Айниқса, деҳқончиликда. Биз ҳисоблаб чиқиб, ҳали фойдаланилмаётган имкониятларимиз жуда кўп эканлигини аниқладик. Зарбдор 1983 йилда бутун куч-ғайратимизни шунга қаратамиз.

ЎРГАНАМИЗ, ЎРГАТАМИЗ

Эркин ХАИТОВ,
6-бригада бошлиғи

● — ЎТГАН ЙИЛИ 62 гектар ерда деҳқончилик қилиб, гектаридан 45 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Бошқача қилиб айтганда, уч йилда бригадада ҳосилдорлик 20 центнерга ошди. Ташландиқ ерлар ҳисобига 7 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди.

Мусобақадошларимиз Жўра Йўлдошев етакчилик қилаётган биринчи бригада аъзолари ҳам яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Колхозимизда социалистик мусобақанинг янги-янги формаларидан кенг фойдаланилаётганлиги қувончли самаралар беряпти. Бизда бунга қоғозда эмас, балки ҳақиқатда амал қилинмоқда. Ўзаро тажриба алмашиш, камчиликларнинг олдини олишда бир-бирига яқиндан ёрдам бериш пировард натижада умумий пахта хирмонининг юксалишини таъминламоқда.

Бригадамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилдик. Бунинг учун кеч кузданоқ кураш бошлаб юборилган. Ҳар гектар ерга 35 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Экишдан сўнг солиш учун етарли миқдорда яхши чиритилган гўнг жамғариб қўйилган. Механизаторимиз Жамон Сатторов 62 гектар ерга тўрт иш кунида чигитни тўла экиб бўлишга шай ҳолда турибди. Алим Тожибоев, Раҳмонқул Жўрақулов каби сувчиларимиз, Лутфия Хаитова, Нигора Жўраева сингари аъзоларимиз янги мавсумда ҳам фидокорона меҳнат қиладилар.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Рашадин МУҲИДДИНОВ,
3-бригада механизатори

● — ТРАКТОР рулини бошқараётганимга 30 йилдан ошди. Дастлаб иш бошлаган кунимдан бошлабоқ, чигит экишдан тортиб ҳосил йиғиб-териб олингунча деҳқонларга ёрдам бериб келаман. Сакки йил «Университет-2» тракторини бошқардим. 1960 йили «Т-28-Х-4» маркали тракторни бериши. Мана шунга ҳам 22 йил бўлибди. Шундан буён агрегатимни бирон марта капитал ремонт қилмадим. Ўз вақтида техник қароздан ўтказиб турганлигим туфайли иш унуми ҳам яхши бўляпти.

Шу ўринда бир группа областимизнинг илғор кишиларининг техникани авайлаш ва умрини узайтириш юзасидан Мурожаати менга ғоятда маъқул бўлди. Афсуски, бизнинг хўжалигимизда ҳам ўз техникасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи механизаторлар топилади. Бунга йўл қўймайлик. Ахир, биз деҳқоннинг яқин кўмакчиси, елкадошимиз-ку.

Мана, ҳадемай экиш ҳам бошланиб кетади. Хўжалигимизда ишга пухта тайёргарлик кўрдик. Чигитни ўз вақтида, қисқа муддатларда экиб олиш учун бутун имкониятлардан тўла фойдаланамиз.

Ҳа, колхозда янада юксак марраларни эгаллаш учун кураш давом этяпти. Далаларда иш қизиғандан-қизиғ боряпти. Хўжаликнинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасига сидқидилдан ёндошиб, унумли меҳнат қиляпти.

ТАВСИЯЛАР АСОСИДА

Саидқул НАЗАРОВ,
колхоз бош агрономи

● — ОБЛАСТЬ пахтакорлар Советининг чигитни ўз вақтида экиш, ернинг ўз намига ундириб олиш юзасидан берган қимматли тавсияларини чуқур ўргандик. Айни кунларда барча участка ва бригадаларда бунга пухта ҳозирлик кўриб қўйилган. Экин майдонлари сифатли тайёрланди. Тупроқ қатлами зичлашиб кетган майдонларда бороналашдан олдин 10—12 сантиметр чуқурликда культивация ўтказилди. Ўт босган айрим карталардаги бегона ўт илдизлари яна бир бор териб ташланди.

Картограмма асосида алмашлаб экиш графигига тўла амал қилинмоқда. Бунинг самараси яхши бўлаётир. Энг муҳими ҳосилдорлик ҳамма майдонларда бир хил, ортиб борилмоқда. Бу картограммада хўжалигимизнинг оғир, деҳқончилик учун айниқса, ноқулай бўлган участкаларида қўшимча тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, «Қўрғонтепа» участкасига қўшимча ишчи кучи ва техника жалб этилди.

Чигит экиш учун барча—20 та экиш сеялкаси тайёр турибди. Бу механизмларни шу кеча кундузда яна бир бор кўздан кечириб чиқамиз. Ҳамма майдонга «Тошкент-1» навли чигит экилади. Уруғликни экишга тайёрлаш марказлаштирилди. Бунинг учун махсус жой ва керакли асбоб-ускуналар тайёрланган.

Қисқаси барча эътиборни уруғликни тез ва соз экиб олишга, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга қаратмоқдамиз.

ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

● ЛОНДОН. 1982 йил Ғарб авиакомпаниялари авиафалокатлар натижасида 20 та самолётдан маҳрум бўлди. Етказилган зарар 200 миллион фунт стерлинг деб чамаланмоқда. Англия авиастрахование компаниялари уюшмаси бу ерда шуни маълум қилди.

Бултур йўқотилган граждан самолётларининг жами сони 1981 йилда қулаган машиналар сонидан 2 баравардан зиёд ортди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ҳукуматининг қарорига биноан Уттар Прадеш штатидаги Нандадеви миллий паркига қарашли ноёб гуллар водийсига кириш беш йилга тақиқлаб қўйилди. Ҳималай этакларида ястанган воднйда юзлаб хил орхидея, магнолия ва чиройли гуллайдиган бошқа юзлаб хил ўсимликлар йиғилган.

Кейинги йилларда, дейди мутахассислар, сайёҳлар табиатнинг шу ноёб мўъжизасига катта зарар етказдилар. Ҳукумат зиёратчилар гуллар водийсини вақтинча ёпишга қарор берганлиги шу ажойиб водийни авлодлар учун аввалги ҳолида сақлашга имкон беради.

● Шу ой Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида ер сурилиши ва қор кўчиши натижасида 50 га яқин киши халок бўлди, деб хабар қилади ПТИ агентлиги. Одатдан ташқари ёққан қалин қор штатнинг қишлоқ хўжалигига катта зиён етказди. Қор кўчкиси ўнлаб уйларни вайрон қилди.

(ТАСС).

МОСКВАЛИКЛАР ТУҲФАСИ

● «Москжилстрой» трести 220-қурилиш бошқармасининг Александр Горский бошчилигидаги комплекс бригадаси бунёдкорлари Дўстлик микрорайонида 320 ўринли янги болалар боғчасини муддатидан уч ой барвақт фойдаланишга топширдилар. Объектда ишларни бригада пудрати асосида давом эттириш норматив муддатни кескин қисқартириш имконини берди.

Суратларда: бригада етакчиси А. Горский болалар боғчасининг рамзий калитини Азиза Хўжаевага топширди: бинонинг умумий кўринишин.

Ф. Қурбонбоев фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ

ДУРАНГ БИЛАН БОШЛАНДИ

Ўтган шанба куни мамлакатимизнинг етти шаҳрида футбол бўйича мамлакат 46-чемпионати ўйинлари бошланди. «Пахтакор» ўз майдонида ўтган мавсумда олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган Вильнюснинг «Жальгирис» командасини қабул қилди.

Ўйин майдон эгаларининг тўлиқ устунлигида ўтди. Улар катта куч билан ҳужум уюштирадилар. Лекин, бу ҳужумларни аниқ ниҳоясига етказа олмадилар. Айни вақтда меҳмонлар ўз ҳимоя чизиқларини кучли эканлигини намойиш қилишди. Учрашувда ҳисоб очилгани йўқ. «Динамо» (Тб) — «Торпедо» (М), «Нефтчи» — ЦСКА баҳслари ҳам натижасиз дуранг билан тугади. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Зенит» — «Динамо» (Мн) — 3:1, «Динамо» (М) — «Днепр» 1:0, «Торпедо» (Кт) — «Металлист» — 1:2, «Черноморец» — «Нистру» — 1:1, «Арарат» — «Динамо» (К) — 2:1, «Спартак» — «Шахтёр» — 1:2.

Навбатдаги тур ўйинлари эртага бўлиб ўтади. «Пахтакор» ўз майдонида Минск динамочиларини қабул қилади.

ОМАДЛИ РАҚАМЛАР

«Спортлото»нинг 26 март куни бўлиб ўтган 13-тиражи натижалари қуйидагича:

«49 дан 6»: 4, 25, 28, 32, 36, 49.

«36 дан 5»: 6, 19, 26, 32, 33.

БИР КЕЧА «ОПЕРАЦИЯ»СИ

ЕКИ БИР ТУДА ЮЛҒИЧЛАРНИНГ ЎЗ ЖИНОЯТИНИ КАТТА ПОРА БИЛАН ЕПИШГА УРИНГАНЛИГИ ҲАҚИДА

БИРОВЛАР жиноят кўчасига гоҳ тасодифан, баъзилар эса ўз қилмишининг оқибатига кўзи етган ҳолда қасддан киради. Ориф Мирзаевич Мамедов кейинги тоифага мансуб. У катта жиноятга қўл урганича узоқ ва «машаққатли йўлни босиб ўтди, қаллобликнинг кўп усулларини ўрганди. У 1961 йилда Оққўрғон район матлубот жамиятининг тайёрлов идорасига қарашли маҳсулот қабул қилиш майдончаси мудири бўлиб ишга кирганида айни куч-қувватга тўлган 33 ёшли йигит эди. Узоқ йил бу вазифада ишлаб, бу идораниг паст-баландини обдон ўрганди, кирим-чиким йўлларини ўзлаштирди. Албатта, Ориф Мирзаевич бу йиллар давомида фақат ўғрилик учун замин тайёрлаш билан машғул бўлди, дея олмаймиз. Давлат идораси бўлгач, у ерда кимдир ишлаши керак. О. Мамедов ҳам ўз вазифасини рисоладагидек адо этган, план ва мажбуриятларни ошириб бажаргандирки, унга ҳурмат ва ишонч билдириб 1977 йилга келиб уни тайёрлов идорасининг директори лавозимига кўтаришди.

Одам бир жойда узоқ ишлагач ўзини жуда мустаҳкам ҳис қилиб қолади. Бу табиий. Бироқ, афсуски, шундай шахслар ҳам борки, «тагим мустаҳкам» деб ўз мансабларини суиистеъмол қила бошлайдилар, шахсий манфаатнигина кондира бошлайдилар. О. Мамедов ҳам худди шундай қилди. У директорлик курсисида мустаҳкам ўрнашиб олгач, «майда-чуйда» деромадларни менсимай кўйди, яхлитроқ ишларга қўл уриш режасини туза бошлади. Бунинг учун эса ишончли одамлар керак эди. «Яхлит ишлар «реализация»ни қилинадиган жойга ана шундай «уз одамларини қўйиши керак. О. Мамедов шундай қилди ҳам. Охир-оқибатда қора курсида тизилишиб ўтирган тўрт шахс — Мамедов, Сулиев, Холис, Мажидлар битта имо-ишораданоқ мақсадни тушунадиган, «саداгаси кетса арзийдиган»лардан экан.

Холис Умар ўғли 1966 йилдан шу тайёрлов идорасида майдонча мудири бўлиб ишлаб келаётган эди. 1981 йил май ойида, яъни йирик «операция» олдидан О. Мамедов унга қабул пункти мудири вазифасини берди. Маҳсулотлар айни пишиб етилган — иш қизғин пайтда эса Ахмад Абдуллаевич Сулиевни ҳам хирмон бошига қўйди: қабул қилиш майдончасининг мудири бўлди. Ана энди — бошлаш мумкин!

Бошланди... Район матлубот жамияти тайёрлов идорасининг вазифаси — аҳоли томорқаларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини улардан давлат белгиланган нархда сотиб олиб, бошқа шаҳарларга жўнатиш — механткашлар дастурхонига етказиб бериш О. Мамедов бошлиқ идора коллективи бу давргача зиммасидаги вазифани ҳалол-пок бажарган бўлса керакки, уларга фақат республикамиз эмас, балки Иттифоқдаги қатор шаҳарларга ҳам маҳсулот жўнатиш ҳуқуқи берилган эди. Бу эса Ориф Мирзаевич бошлиқ тўданинг кенг қанот ёзиб «қизғин фаолият» кўрсатиши учун айни муддао бўлди.

Оққўрғонлик ва қўшни районлардаги деҳқонлар ўз томорқаларида етиштирган помидорларни қабул қилиш 1981 йилнинг 8 июнида бошланди. Аслида ишни ташкил этишнинг бу усули қишлоқ механткашлари учун ҳам жуда қулай. Чунки, уларнинг ҳаммаси колхоз ё совхозда ишлайди, томорқада етиштирилган маҳсулотнинг рўзғордан ортганини бозорга олиб боришга вақтлари йўқ. Тайёрлов идораси сотиб олаётган нарх ҳам чакки эмас: 1 килограмм помидор 60 тийин, ҳам кўтара ўтказган яхши — пул яхлит тушади. 100 килограмм топшириса 60 сўм, 1000 килоси — 600 сўм!

Қабул пунктидаги ўндан тўқкизини урувчилар эса меҳнаткашларнинг ана шу вақти зиқлигини ҳам ўз ҳаменларини қаппайтиришга бўйсундиришди. Улар пешона тери тўкиб маҳсулот етиштирган деҳқоннинг ҳақини ҳам энидан, ҳам бўйидан ура бошлашди. Бу қора ишларга директор бошқош бўлиб турди. Унинг кўрсатмаси, имо-ишоралари билан қўли-қўлига тегмай яшиклаб помидор қабул қилаётган Холис тарозини ўйнатиб тортиб, қанча келганини бир парча қоғозга ёзиб, топширувчи қўлига тутқазарди. Кейин деҳқон ён хонага киради. Бу ерда Сулиев ҳисоб-китобни якунлайди: ҳар бир яшикка 2,5 килограммдан чиқариб ташлайди, квитанция ёзиб беради. Давлат стандарти бўйича тайёрланган бу бир хил яшикларнинг вазни эса 2 килограмму 300 грамм. Демак, ҳар бир яшикдан 200 граммдан помидор уриб қолиняпти. Хўш, нима бўпти, бор-йўғи 12 тийин экан дейсизми? О. Мамедовга ўхшаган бир одамдан, бир тийин зўрми ё бир сўмми, дер сўраганларида у «бир тийин зўр, бир сўм шу бир тийинлардан бунёдга келади» деган экан. 8 июндан 15 июнгача ана шу «200 граммлар»дан уларнинг ҳаменига нақд 7750 сўм (13 тонна) тушибди.

Помидор пишиб кўпайган сайин унинг нархи пасайиб боради: 15 июнгача 60 тийиндан қабул қилинган бўлса, 16 июндан 30 тийинга тушади.

Оққўрғон район тайёрлов идорасида тобора палак отаётган бу юлғичликлардан воқиф бўлган область ички ишлар бошқармасининг давлат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлими ходимлари 15 июнь куни қабул пунктидаги жиноятларга нуқта қўйдилар.

Тўрт кишилик группа: бўлимна бошлиғи, милиция капитани Баҳодир Холматов, инспекторлар, милиция лейтенантлари Иўлдош Тўраев, Насриддин Азмиддинов, Зафар Зиёвуддиновлардан иборат эди.

Оператив группа аъзолари ўша соатдаёқ ҳозиргача жўнатилган ва қолган маҳсулотларнинг ҳужжатларини синчиклаб текшириб кўриб, 13 тонна камомад борлигини аниқлашди.

Текшириш давом этди. 200 грамм ҳолва экан. Бу ёқда бошқа «товарсиз операция»лар ҳам чиқиб қолди: 153 тонна (89 минг сўмлик) помидор қоғозда бору, аслида йўқ. Яъни, қабул қилувчи қаллоблик шунча маҳсулотни бир неча ўнлаб одамлар номига ёзиб, «қабул қилинди» деб расмийлаштиришган, маҳсулот эса йўқ, умуман қабул қилинмаган. Улар эртага, индинга қабул қилиниб жўнатилаверади. Бу ерда гап бир кун, аниқроғи бир кеча устида кетяпти: 15 июнда бир килограмм помидор 60 тийин эди, 16 июндан эса 30 тийин бўлади. Демак, 15 июнда расмийлаштирилган 89 минг сўмнинг қоқ ярми эртага О. Мамедов бошлиқ ўғриларнинг ҳаменига тушиб турибди.

Кейинчалик тергов давомида Холис рўйхатга эзган 75 киши сўроқ қилинганда, улардан 44 киши мутлақо помидор топширмагани маълум бўлди. Улар эса қоғозда 49 минг 662 сўмлик маҳсулот топширган. Номларига 12 минг 664 сўм ёзилган 9 киши эса мутлақо тириклар сафида йўқ... Жами 62 минг 326 сўм!

Озгина ипгарилаб кетдик. «Томошанинг қизиғига қайтайлик. «Товарсиз операция»лар фош этилгач, Мамедов ва унинг ҳамтовоқлари оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолишди.

Аввал бу жиноятни ёпиш йўлларини изладилар. Чегириштан орттирилган помидорларни ҳужжатлар ниқоби билан яшириш учун район матлубот жамияти коопторгининг тайёрловчиси Мажид Аҳмад ўғлига мурожаат қилишди. Мажид ҳам ошналарига ёрдам қўлини чўзиш, ҳам ўз зиммасига юклатилган 150 тонна помидор тайёрлаш планини қоғозда бажариб олиш учун жиноятга қўл урди, коопторг аҳолидан қабул қилган (аслида йўқ) 150 тонна помидорни тайёрлов конторасига ходими Сулиевга «топширилганлиги тўғрисида олдинги число (14 июнь) билан накладной ёзиб берди.

Албатта, қилни қирқ ёрадиган эса Мажид эмас, Ориф Мамедов эди. Ўзининг ҳисоби бўйича, 15 июнда 29 минг 983 сўм камомад борлиги аниқланади. У уч тайёрловчига «тери топширди» деб 700 сўмдан қабул актини ёзиб беради, улар чиқим ордерларига имзо чекишади. Жами 2100 сўм эса кассадан тўғри директор О. Мамедовнинг киссасига тушади...

Мазкур жиноий иш кўрилди. Тошкент область суди О. Мамедов ва У. Холисни 10 йил, А. Сулиевни 7 йил, А. Мажидни 3 йил муддатга озодликдан махрум этиш, Б. Отажоновни 3 йил шартли равишда озодликдан махрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Республика Олий суди ҳукмни тасдиклади.

— Жиноятни фош этиш эмас, унинг олдини олиш муҳим, — дейди область ички ишлар бошқармаси ОБХСС бўлимининг бошлиғи, милиция подполковниги П. Кан. — Жиноят содир қилинганидан кейин эса, унинг фош этилиши муқаррар. Бу — бизнинг вазифамиз ва бизда Тўрабоев, Холматовга ўхшаган тажрибали, ишчан устозлари изидан бораётган Азмиддинов, Тўраев каби ёш, садоқатли, давлат ва жамият олдидаги ўз бурчини чуқур ҳис этадиган ходимларимиз кўп. Ҳамма нарсани, ҳатто баъзи одамларни ҳам сотиб олиш мумкин деб ўйлайдиган айрим текинхўр, ҳаромхўрлар кўзларини каттароқ очишсин. Меҳнатсиз, ҳаромдан орттирилган бойлик ҳеч қачон бу-юрмайди...

У. ҚУРБОНОВ,
Тошкент область суди раисининг ўринбосари.
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

жиноят ва жазо

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

29 МАРТ СОАТ 19.30 да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси дипломанти ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар: опа-сингил Олмагул ва Урбугул СУИЕРБОЕВАлар, Мавлуда ОИНАҚУЛОВА, Кўзибой ШЕРМАТОВ, Нурилла ЖУМЕЗОВ, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза СОЛИҲОВА, Раъно ЖУМАНИЕЗОВА, Фируза МИРҲАМИДОВА ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ғиёлий ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Музыка раҳбари — Асқарали ХИДИРОВ.

«ТЭА» ХИЗМАТИ СИЗЛАР УЧУН

ЎЗМИНАВТОТРАНС ТЭА ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ

Халқимизнинг фаровонлиги йил сайин юксалиб бормоқда. Ҳар куни мингларча совет оилалари турар жойларнинг янги, ёруғ корпусларидаги яхши жиҳозланган квартираларга эга бўлмоқда. Бу — ҳар бир оила учун қувончли.

Бироқ, қувонч билан бирга ташвишлари ҳам бўлади: мебель ва уй-рўзғор буюмларини ташиб олиш, янги квартира учун мебель, холодильник, пианино, радиоаппаратура ва бошқа йирик габаритли предметлар сотиб олиш, эски мебелни эса комиссион магазинга олиб бориш лозим.

Сизга самимий маслаҳатимиз: Тошкент шаҳрининг ҳар бир районида жойлашган «Ташкентгортрансэкспедиция» транспорт агентликларига мурожаат қилинг. «ТЭА» хизмати қабул пунктлари шаҳарнинг кўпгина магазинларида мавжуд. Бу ерда сиз буюртмани расмийлаштиришингиз мумкин. Сизнинг ихтиёрингизга ихтисослаштирилган транспорт берилади. Тажрибали юк ортувчилар магазиндан сотиб олинган молларни эҳтиёткорлик билан ортиб ва тушириб берадилар, зарур бўлган қаватга олиб чиқадилар, орасталик билан квартирага киритадилар ва мебелни истаганингизга мувофиқ жойлаштириб берадилар.

«ТАШКЕНТГОРТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» ТРАНСПОРТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Бу Сизни кўпгина ташвишлардан озод қилади ва вақтингизни тежайди!

БИЗ ДОИМО СИЗГА ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁРМИЗ!

БУЮРТМАЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР ОРҚАЛИ РАСМИЙЛАШТИРИНГ: 33-43-93, 96-56-30, 77-82-01, 41-80-27, 55-81-09.

Справкалар учун телефон: 96-19-72.

«ЎЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИ РЕКЛАМА ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

«Электромонтаж» ихтисослаштирилган трести базасидаги

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш бўйича электромонтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, иккиламчи занжирли коммутация бўйича электромонтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи, автоматик ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган) **радио телевизион аппаратураларга хизмат курсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик** (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР, ИККИ ВА УЧ ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар уч йил таълим оладилар ва уларга касб эгаллаганлиги ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар (киномеханик ва радиотелемеханикдан ташқари). Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақининг 33 процента ўқувчиларга берилади (электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига эса 50 проценти берилади).

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар, улар учун ўқиш муддати қисқартирилади: ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 10,5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар корхоналарда мажбурий ишни ўтамасдан ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилиадилар.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд. 14 та спорт секциялари шунингдек техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 5, 53, 66, 70, 79-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШОНЧЛИ ЁРДАМЧИ

Бизнинг давримизда турмушни электр энергиясисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсоннинг ишлаб чиқаришдаги меҳнатини енгиллаштириш ва турмушда энг кўп даражада қулайлик яратиш учун хизмат қилиши лозим бўлган кино, радио, телевидение, турли приборлар ва механизмларнинг узиз ишлаши ҳақида гап юритиш қийин.

Саноат корхоналарининг иши тўхтаб қолмаслиги, шаҳримиз аҳолиси эса электр энергиясининг барча афзалликларидан доимий фойдаланишлари учун юқори кучланишли ҳаво тармоқларининг сақланиши устидан назорат ўрнатиш лозим.

Электр узатиш ҳаво линияларининг сақланишини таъминлаш, шунингдек бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида

ҚУЙИДАГИЛАР ТАЪКИДЛАНАДИ:

хизмат кўрсатиш ташкилотлари рухсатисиз электр узатиш линиялари остида ва улар яқинида юк кўтариш механизмларида ишлаш;

электр узатиш линияларига бирор бир предметларни осиб қўйиш;

электр тармоғи иншоотлари хоналарини очиш, электр тармоқларини улаш ёки ўзгартириш;

электр узатиш ҳаво линиялари яқинида ўт ёқиш;

хашак тўплаш, ўтин тахлаш ва шу кабилар.

Ҳурматли ота-оналар! Электр узатиш линиялари яқинида болаларнинг ўйнаши ва шўхлик қилишига йўл қўйманг!

БОЛАЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ҚИЛИШЛАРИГА РУХСАТ ЭТМАНГ:

электр узатиш линиялари яқинида ҳаво варракларини учириш;

электр узатиш линиялари устунларига тирмашиш;

осиб қўйилган изоляторлар занжирини синдириш — бу ҳаёт учун хавфли!

электр узатиш ҳаво линияларига зарар етишининг олдини олиш мақсадида махсус муҳофаза зоналари вужудга келтирилади. Уларда хизмат кўрсатиш ташкилотларининг рухсатисиз қуйидагиларни бажариш тақиқланади:

қурилиш, монтаж, портлатиш ва суғориш ишларини амалга ошириш, дарахт ўтқазиш ёки кесиш, спорт майдонлари ва ўйнаш майдончаларини жойлаштириш;

умумий баландлиги (юк ортилган ёки ортилмаган ҳолда) 4,5 метр бўлган машина ва механизмлар учун йўл сифатида фойдаланиш, шунингдек, автомобиль ва отарава транспорти, машина ва механизмларнинг турар-жойи сифатида кўлланиш.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР! Кўрсатиб ўтилган қоидаларга риоя қилмаслик электр энергиясини узатишнинг узилишига, шунингдек бахтсиз ҳодисаларнинг юз беришига олиб келиши мумкин!

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР».
«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.30— Мультфильмлар. 10.00 —«Мен —бугун ва эртага». 10.45 — «Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 11.50 —Концерт. 12.40 ва 15.00—Янгиликлар. 15.20—«Янги қишлоқ —«Сельпо». Ҳужжатли фильм. 15.30 — «Грин мамлакатининг одами». Спектакль II-қисм. 16.45 —«Звездочёта». Тележурнал. 17.30 —Тўпли хоккей бўйича СССР кубоги. 18.15 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.45 — Леонид Сметанников рус қўшиқларини куйлайди. Фильм-концерт. 19.15—«Дунё воқеалари». 19.30 —«Фан ва турмуш». 20.00 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Рожков чалади. 20.25 —«Карл Маркс. Навқиронлик йиллари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 6-серия. 21.30 —«Время». 22.05 —Концерт. 23.05 —«Спорт ҳафталиги». 23.35—«Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00 —Эрталабки гимнастика. 9.20— Ҳужжатли фильм. 9.45— Француз тили. 10.15 —География. 10.45—Тарих. 11.15 — «Салют, пионерия!». 12.05 —«Фома Гордеев». Бадиий фильм. 13.40 — «Таллиннинг музикали манзаралари». 14.05 —Болалар учун фильм. 15.10 —Фильм-концерт. 15.30 —«А. Н. Островский пьесаларида хотин-қизлар образи». 16.35 — Архитектура ва театр. 17.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 —«Шимол байрами». Чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар. 19.20 —«Ҳамма нарсани билишни истайман». Киножурнал. 19.30 —«Қишлоқ янгиликлари». 20.30 —«Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 —«Ҳамдўстлик» тележурнал. 21.30 — «Время». 22.05—«Кўрқув». Телевизион бадиий фильм. 23.30 —«Композитор Евгений Жарковский қўшиқлари». Фильм-концерт.

УзТВ I. 11.25 —Кўрсатувлар программаси. 11.30 —Болалар учун концерт. 12.15 —«Аломат Иегудиил Хломида». Бадиий фильм. 13.50 —«Туркман йиллиқлари». Телефильм. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 —«Мўъжизалар куни». 18.30 —«Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 —«Беш йилликнинг зарбдор қурилишларида». 19.30 —«Ахборот». 19.45 —Ғафур Ғулом туғилган кунинг 80 йиллигига. «Ижод гулшани». 20.30 —«Ахборот». 20.50 —М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси торли квартетининг концерти. 21.30 —«Время». 22.05 —«Чигит экишни сифатли ўтказайлик». 22.25—«Сирли рохиб». Бадиий фильм. 23.45 —Янгиликлар.

УзТВ II. 18.20 —Эстетика асослари. 19.00 —Физика. 20.00 —Янгиликлар. 20.20 —Чизма геометрия. 21.20 —«Чопак» Телефильм. 21.30 — МТ-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/III да Ҳар тўкисда бир айб (11.00). Кузнинг биринчи куни (15.00). 30/III да Келинлар қўзғолони (11.00), Олтин девор (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 30/III да Тўйдан олдин томоша.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида болалар учун «Кентавр планетасидан келган меҳмонлар» фантастик спектакли (13.00, 16.00 ва 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334806, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия ҳаётидаги ишлар—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 06153 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1568.